
КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭМЛАШ БОШЛАНАДИ

Ўзбекистонда коронавирусга қарши эмлаш март ойининг биринчи ярмидан бошланади. Бунда биринчи навбатда коронавирус юқиш хавфи даражаси юқори бўлган шахслар эмланади ва у фақатгина ихтиёрийлик тамойили асосида амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёши катта ва аҳолининг бошқа заиф қатламлари вакиллари бепул эмланади.

Бу борада туманимизда қандай ишлар қилиняпти?

Ушбу савол билан туман СЭОМ раҳбари Бахтиёр Салоҳиддиновга мурожаат қилдик.

- Бу борада туман тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда барча чоралар кўриляпти. Биринчи босқичда эмланиши зарур бўлган аҳолининг 6464 нафари 65 ёшдан юқори фуқаролардир. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг 2480 нафари, сурункали касалликлар билан оғриганлар 4876 нафар, ўқитувчилар 3811 нафар, МТТ ходимлари 1200 нафар, жами 20680 нафар фуқаро эмланиши кўзда тутилган.

- Вакцинация ишларига 15 нафар эмлаш ҳамшираси, 15 нафар дублёрлар, 15 нафар регистраторлар, 15 нафар реаниматологлар жалб этилади. 15 та мобил бригада тумандаги эмланувчиларга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, вакцина ташиш учун туман тиббиёт бирлашмасига битта “Минивен” автомобили ажратилди. 85 ёшдан ошган қарияларимизни уйларида олиб келиб, эмлаб бўлгач, яна уйларига олиб бориб қўйиш учун мобил бригадалар фаолият юритади, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бахтиёржон Мамажонов.

2021-03-05 10:41:17